

Нима учун насия савдода вақт эвазига нархни ошириш жоиз?

05:00 / 17.02.2017 13588

Кечиктириш эвазига нархни ошириш:

Исломнинг рибо тўғрисида тутган йўли ниҳоятда дақиқдир. Қарзда замон эвазига шарт қилинган зиёда ҳаром қилинган насия (кейинга суриш) рибоси ҳисобланади.

(Насия) савдода замон эвазига шарт қилинган зиёда ҳаром қилинган насия рибоси ҳисобланмайди. Баъзилар: «Бу икки зиёда бир ҳукм остига дохил бўлиши керак. Ё иккиси ҳам ҳаром бўлсин ва ёки иккиси ҳам мубоҳ бўлсин. Бирини мубоҳ иккинчисини ҳаром дейиш чалкашлиқдир», - дейишади. Унга жавобан қуйидагиларни айтамыз. Бу икки хил ҳукм нақлий ва ақлий бўлган икки ҳужжатга асослангандир. Нақлий далилга келсак, у олти тур тўғрисида келган ҳадисдир. Ушбу ҳадис ифодасига кўра:

1. Тиллони тиллога савдоси насия ва зиёдани манъ қилади.
2. Тиллони кумушга савдоси насияни манъ қилса-да, зиёдани дуруст қилади.
3. Тиллони буғдойга савдоси насия ва зиёдани жоиз қилади.

Биринчи кўринишда насия ва зиёда жоиз бўлганда эди, рибо қарзи ҳам дуруст бўлиб қолар эди. Бу, барчамизга маълумки, жоиз эмас.

Иккинчи кўринишда тур ҳар хил бўлганидан бирини зиёда қилиш жоиз, лекин насия жоиз эмас. Чунки, вақт ўтиши билан тилло ва кумушнинг нархи ўзгариб, рибо қарзига йўл очилиш эҳтимоли бор. Тиллони қарзга берса ва олишда кумуш талаб қилса, рибо вужудга келади. Шунини олдини олиш учун тилло ва кумушнинг савдосида насияга ижозат берилмайди.

Учинчи кўринишда турлар ҳар хил бўлганидан бирини зиёда қилиш жоиз ва кечиктириш эвазига нархни ҳам ошириш жоиз. Биринчи суратда адолат юзасидан зиёда мумкин бўлмагани сабабли манъ қилинса, учунчи суратда насияга берганидан нархни оширишга имкон берилади. Шу сабабли нархни бўлиб-бўлиб бериш савдоси **طَيِّبٌ سَوْقٌ لِّلْأَبْغْيِ بَلِّ** - шариатда рухсат этилгандир. Бунда буғдойни нақд олиб, тиллони (яъни нархини) бўлиб

тўланади.

Бу келтирилган нақлий далилимиз бўлиб, ақлий далил қуйидагича:

Исломда қарз асл ҳисобланади. Шунингдек, савдо ҳам асл бўлиб, лекин қарздан тубдан фарқ қилади. Қарз яхшилик асосида, савоб умидида берилади. Унинг эвази тугал-тўқис бўлмайди. Унинг эвази комил бўлиши лозим. Аслида, Исломда вақтнинг қиймати бордир. Бу қиймат қарзда савоб жиҳатидан, савдода фойда жиҳатидан кўринади. Бунинг ҳикмати савдодаги фойда мўътабар тижорий олди-сотдининг ҳаракатига тобеълигидир. Аммо қарздаги зиёда (рибо фойдаси) савдога тегишли бўлмаган мустақил зиёдалиқдир.

Гоҳида бир нарсага ёлғиз ўзи жоиз бўлмай, бошқа бир нарсага эргашиб жоиз бўлади. Бу машҳур қоидалардандир. Қарз яхшилик, эҳсон, хайр-саховатга хосланган, савдо эса тижоратга хослангандир. Шу сабабли саводан тижорат қилиш ва савдо эвазига бўлса ҳам фойда топишнинг зарари йўқ. Лекин қарзларни тижоратга қўйиб фойдаланиш инсофсизлик, виждонни сотиб пул топиш каби жирканч ишлардандир.

Шариатимизда насия савдоси тўғрисида бир неча очиқ далиллар собит бўлган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда айтади: «Эй иймон келтирганлар! Агар маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг».

(«Бақара» сураси, 282-оят).

Саҳиҳ ҳадисларда ҳам насия савдоси тўғрисида гап кетган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида совутлари ўттиз соъ арпага бир яҳудий қўлида гаровда эди».

Муслим ривоят қилган.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир яҳудийдан насияга таом сотиб олдилар ва совутларини гаровга қўйдилар».

Бухорий ривоят қилган.

У яҳудийнинг номи Абул Шаҳм бўлиб, Бани Зафар қабиласидан эди. Яна уламоларимиздан имом Бағовий, Шавканий, Абу Ийсо Термизий, Авзоъий қабиларнинг фатволари ҳам ўз ўрнида келтирилган.